**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PHD.27.06.2017.FIL.05.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**КУРАНОВ САЙДУЛЛО ДИЛМУРАДОВИЧ**

# ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕК АДАБИЁТИДА СИНТЕЗ МУАММОСИ
**(шеърият ва рангтасвир санъатлари мисолида)**

**10.00.02 –Ўзбек адабиёти**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фарғона – 2018**

**УДК: 821.512.133-193**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси авторефератининг мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Content of dissertation Abstract of the Doctor of philosophy (PhD)**

**Қуронов Саъдулло Дилмуродович**
“Замонавий ўзбек адабиётида синтез муаммоси (шеърият ва рангтасвир санъатлари мисолида)”……..... 3

**Қуронов Саъдулло Дилмуродович**
Проблема синтеза в современной узбекской литературе (на примере поэзии и живописи) ..... 23

**Kuranov Saydullo Dilmuratovich**
The problem of synthesis in the modern Uzbek literature (for example, poetry and painting)..... 45

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**
Список опубликованных работ
List of published works ……..……..……..…….. 48

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PHD.27.06.2017.FIL.05.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**КУРАНОВ САЙДУЛЛО ДИЛМУРАДОВИЧ**

# ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕК АДАБИЁТИДА СИНТЕЗ МУАММОСИ
**(шеърият ва рангтасвир санъатлари мисолида)**

**10.00.02 –Ўзбек адабиёти**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фарғона – 2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.PhD/Fil196 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, инглиз) Фарғона давлат университети веб-сайти www.fdu.uz ҳамда «Ziyonet»ахборот-таълим портали www.ziyonet.uz манзилига жойлаштирилган.

| | |
|---|---|
| **Илмий раҳбар:** | **Норматов Умарали**<br>филология фанлари доктори, профессор |
| **Расмий оппонентлар:** | **Сабирдинов Акбарали Ғафурович**<br>филология фанлари доктори |
| | **Ҳамдамов Улуғбек Абдуваҳобович**<br>филология фанлари доктори |
| **Етакчи ташкилот:** | **ЎзР Фанлар академияси ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти** |

Диссертация ҳимояси Фарғона давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.27.06.2017.Fil.05.02 рақамли Илмий кенгашнинг «___»_____2018 йил соат____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100151, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй. Тел.: (99873) 244-66-02; факс: (99873) 244-44-01; e-mail: info@fdu.uz).

Диссертация билан Фарғона давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100151, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй. Тел.: (99873) 244-71-28.

Диссертация автореферати 2018 йил «____» _____куни тарқатилди.

(2018 йил «____» _____даги ____ рақамли реестр баённомаси).

**М.Х.Ҳакимов**
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

**М.Т.Зокиров**
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, филол.ф.н., доцент

**Ш.М.Искандарова**
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

## КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон адабиётшунослигининг ҳозирги кундаги энг катта муаммоларидан бири санъатлараро синтезни ўрганиш бўлиб қолмоқда. Зеро, глобаллашув даврида муайян санъатни иккинчи бир санъат туридан айро ҳолда ўрганиб, тўлақонли тушуниб бўлмайди. Санъат турларининг ўзаро синтези муайян санъатни ўзгасининг ифодавий имкониятлари билан бойитиб, бадиий образнинг эстетик қувватини оширади. Бугунги адабиётшунослигимиз томонидан бадиий адабиётни тасвирий санъат, кино, театр ва мусиқа билан бир қаторда, уларни ўзаро чоғиштирган ҳолда ўрганилиши, аввало, даврнинг талабидир.

Дунё адабиётшунослигида XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларига келиб бадиий синтез муаммосига жиддий эътибор қаратилди. Жумладан, Европада оммалашган модернизм йўналишининг манифестларини белгилашда, уни тушуниш ва талқин қилишда мазкур муаммони ўрганиш катта аҳамият касб этди. Айниқса, шоирнинг визуал тасвир яратишга, яъни ўқувчига лириканинг специфик имконияти билангина эмас, балки синтетик муносабатлар натижаси ўлароқ яратилган образлар кўмагида таъсир ўтказишга интилиши масалалари атрофлича ўрганилди. Адабиётнинг тараққиёт йўлида бадиий синтезнинг ўрни ва аҳамиятини кўрсатиш муҳим муаммо сифатида қўйилди. Бинобарин, бадиий синтез муаммосини ўрганиш муайян давр шеъриятининг бадиий кўламини белгилашда, баҳолашда ҳам муҳим омилдир.

Адабиёт халқ маърифати ва маънавиятининг кўзгусидир. Бугунги ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий соҳалардаги ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида ўзбек адабиётшунослиги олдига ҳам қатор янги вазифалар қўйилмоқда. “Бугун биз давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан ягилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқдамиз. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ким ютади? Янги фикр, янги ғояга, инновацияга таянган давлат ютади”[1]. Даврга мос равишда ўзбек адабиётшунослигини янги тадқиқот методлари билан бойитиш масаласи долзарблик касб этмоқда. Шу маънода бадиий синтез муаммосини ўрганиш адабиётшунослигимиздаги янги йўналиш ўлароқ замонавий ўзбек адабиётининг серқирра бадиий кўламини очиб беришда аҳамиятли саналади. Бу йўлда адабиётшунослик замонавий санъатшунослик билан ҳамкорлик ўрнатиб, янгича тадқиқот методларига таянади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони, 2017 йил 16 февралдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълимни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-4958-сон Фармони; 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи. – Тошкент, 2017, 23 декабрь, №258.

тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ВМҚ-304-сон қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилди.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон адабиётшунослиги ва санъатшунослигида шеърият ва рангтасвирнинг ўзаро алоқаларини илмий-назарий жиҳатдан ўрганиш уч асрлик тарихга эга. Европада XVIII асрдан бошлаб Лессинг, Дидро, Ф.Шлегель, Р.Вагнер, Ф.Шиллер, Новалис[1] каби мутафаккирлар бадиий синтез масаласига жиддий эътибор қаратганлар. Хорижда, хусусан, рус адабиётшунослиги ва санъатшунослигида мазкур муаммо А.Я. Зись, Ю. Борев, Н.Дмитриева, К.Пигарев, Е.Мурина, Ю.Лотман, Д.Лихачев ва бошқа кўплаб мутахассислар томонидан атрофлича чуқур ўрганилган[2].

Ўзбек адабиётшунослигида ҳозирга қадар шеърият ва рангтасвир ўртасидаги бадиий синтез масаласи махсус ўрганилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот Андижон давлат университети илмий тадқиқот ишлари режаси ҳамда ОТ-А1-46 “Адабиётшу-носликнинг назарий курслари бўйича ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш” (2017 – 2018 йй.) лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** замонавий ўзбек шеъриятида рангтасвир санъати билан синтезлашувнинг ижтимоий-маданий, эстетик омилларини

[1] Лессинг Г.Э. Лаокоон или о границах живописи и поэзии. – М.: Изогиз, 1933; Вагнер Р. Избр. работы / Р. Вагнер – М.: Искусство, 1978; Дидро Д. Салоны. В 2 – х томах. – М.: Искусство, 1989.

[2] Дмитриева Н. Изображение и слово. – М.: Искусство, 1962; Борев Ю. Эстетика – М.: Политиздат, 1988; Мурина Е.Б. Проблемы синтеза пространственных искусств. – М.: Искусство, 1982; Пигарев К. Русская литература и изобразительное искусство. – М.: Наука, 1966; Д.С. Лихачев. Взаимодействие литературы и изобразительного искусства в древней Руси. – М.: Наука, 1966; Иезуитов А.Н. (отв. ред.) Литература и живопись. – Л.: Наука, 1982; Dencker, Klaus Peter: “From Concrete to Visual Poetry”, Kaldron On-Line and Light and Dust Mobile Anthology of Poetry, 2000; Bohn, Willard: Modern Visual Poetry, Associated University Presses, 2001; Лотман Ю.М. Графический образ поэзии // Лотман Ю.М. О поэтах и поэзии. – СПб.: Искусство-СПБ, 2001; Алексеев М.П. Взаимодействие литературы с другими видами искусств как предмет научного изучения. // Известия АН СССР. Серия лит.и яз. 1977. Т.36. №4; Барабаш Ю.Я. Комплексное изучение искусства. // Актуальные вопросы методологии современного искусствознания. М., 1983; Вартанов В. О соотношении литературы и изобразительного искусства. // Литература и живопись. Л., 1982; Володина Т. Модерн: проблемы синтеза // Вопросы искусствознания. 1994, №1-2; Галеев Б.М. Сотружество чувств и синтез искусств. М., 1982; Гордин А.М., Гордин М.А. Александр Блок и русские художники. Л., 1986.

аниқлаш, лирик ифодада тасвир салмоғининг ортиши эстетик қонуният мақомида эканини асослаш, лирикада визуал образлиликнинг оммалашиш жараёнини кузатиш, ўзбек модерн шеъриятининг бадиий синтез билан боғлиқ хусусиятларини очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

шеърият ва рангтасвир ўртасидаги бадиий синтез масаласининг умумий-назарий асосларини белгилаш ва бу икки санъат муштараклигининг аҳамияти ва қийматини кўрсатиш;

лирик мушоҳада объектининг воқеликка кўчиши визуаллашувнинг бош омили эканини асослаш;

шеъриятдаги лисоний визуал образнинг поэтик имкониятларини очиб бериш;

ўзбек модерн шеъриятининг бадиий-эстетик хусусиятларини очиб бериш;

замонавий шеъриятдаги каллиграммалар, график-фигурали, визуал образларнинг бадиий-эстетик функцияларини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида **з**амонавий ўзбек шеърияти намуналари, хусусан, Чўлпон, Ойбек, А.Орипов, Р.Парфи, Х.Даврон, Ш.Раҳмон, У.Азим, А.Қутбиддин, Фахриёр ва, Б.Рўзимуҳаммад асарлари танланган.

**Тадқиқотнинг предметини** ҳозирги ўзбек шеъриятидаги синтезнинг бадиий-эстетик омиллари, лирик тизимдаги функциялари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида қиёсий-типологик, психологик, социологик таҳлил усуллари қўлланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ўзбек шеъриятининг ижтимоийлашиши, оммалашиши, бадиий тасвирнинг объективлашиши жараёнлари бадиий синтез ҳодисаси билан алоқадорликда кечгани асослаб берилган;

лисоний визуал образнинг эстетик таъсир кўлами унинг бир вақтда ҳам тасвир, ҳам ҳис-туёғуни ифода этиши ҳисобига кенгайиши далилланган;

лирик тасвир асар композициясида бутловчилик вазифасини ўтаб, манзаранинг яхлитлиги ҳисобига ғоявий-ҳиссий бутунликни таъминлаш вазифасини бажариши аниқланган;

ўзбек модерн шеъриятидаги тасвирийлик рангтасвирнинг модернизм йўналиши оқимларининг манифестига мос келиши аниқланган;

шеърнинг ташқи график кўриниши бажарадиган бадиий-ифодавий функциялари далилланган:

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

лисоний визуал образ ўзида тасвир ва ҳисни бир вақтда ифода эта олиши асослаб берилган;

60–80-йиллар поэзиясидаги лисоний визуал тасвирнинг бадиий-фалсафий мушоҳадани ифодалаш ва шеърнинг композицион бутунлигини таъминлашдаги аҳамияти очиб кўрсатилган;

тадқиқотда санъатшунослик соҳасида эришилган илмий-назарий билимларнинг татбиқ этилиши замонавий ўзбек шеъриятини таҳлил этиш имконларини кенгайтирган;

лисоний визуал образ асосига қурилган шеърларнинг рецептив жиҳатлари асосланган;

лирикада тасвир орқали рамзий маъно ифодалаш ва лисоний визуал образ орқали ҳис-кечинмани ифода этиш ўртасидаги фарқ кўрсатиб берилган;

ўзбек модерн шеъриятида сўзнинг, шеър матнининг визуал кўриниши муҳим ифода турига айланганлиги асослаб берилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** объектга ёндашув ва қўлланилган усулларнинг тадқиқот мақсадига мослиги, назарий маълумотларнинг илмий манбаларга асосланганлиги, танлаб олинган бадиий манбаларнинг тадқиқот предметига мувофиқлиги, назарий фикр ва хулосалар қиёсий-типологик, социологик, психологик таҳлил методлари воситасида чиқарилгани, назарий қарашлар ва хулосаларнинг амалиётга татбиқ этилганлиги, натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан аниқланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти XX ўзбек адабиёти тарихи, адабиёт назарияси бўйича ишларни яратиш, олий таълим муассасаларида ўқитиладиган адабиётшуносликка оид дарслик ва ўқув қўлланмаларини такомиллаштириш ишига мазкур тадқиқот натижаларининг татбиқ этилишида кўринади. Тадқиқотнинг назарий хулосалари бадиий асарни систем бутунлик сифатида ўрганиш, уни санъатнинг бошқа турлари билан ўзаро алоқасини тадқиқ этишда манба бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти адабиётшунослик луғатларидаги мавжуд шарҳ, изоҳларга қўшимчалар киритиш ва такомиллаштиришда, замонавий ўзбек шеъриятининг бадиий тафаккур тадрижини кўрсатишда қўлланилиши билан белгиланади. Замонавий ўзбек шеъриятидаги бадиий синтезга оид таҳлил натижаларидан санъатшунослик фанларидан ўқув қўлланмалари яратишда фойдаланиш мумкин. Тадқиқотда олинган натижалар баркамол шахсни тарбиялаш ва миллий мустақиллик ғоясини сингдиришга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Замонавий ўзбек адабиётида синтез муаммоси мавзусида олиб борилган тадқиқотлар асосида олинган натижалар қуйидаги ишларда жорийланган:

ғарб модернизмининг поэтик хусусиятига оид таҳлил натижаларидан У.Ҳамдамов ва А.Касимовнинг “Жаҳон адабиёти” номли ўқув қўлланмасини тайёрлашда фойдаланилди (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 28 июндаги 434-сонли буйруғига асосан нашрга рухсат берилган (рўйхатга олиш рақами: 434-152). Натижада, XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларига келиб Европада оммалашган

модернизм йўналишининг манифестларини белгилашда, уни тушуниш ва талқин қилишда бадиий синтез муаммосига таянилган.

шеърият ва рангтасвир ўртасидаги бадиий синтезга оид таҳлил натижалари Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Танқид ва адабиётшунослик кенгаши фаолиятида замонавий ўзбек шеъриятида бадиий тафаккур тараққиётининг яхлит концептуал манзарасини ишлаб чиқиш жараёнларида фойдаланилган (Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг 2018 йил 8 декабрдаги 01-03/149-сон маълумотномаси). Натижада, замонавий ўз шеърияти намуналарини баҳолаш, тушуниш ва қайси йўналишга мансуб эканини аниқлаш масалалари соддалашган;

замонавий ўзбек шеъриятининг ифодавий-бадиий хусусиятларига оид илмий-назарий хулосалардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Маданият ва маърифат” телеканалининг адабий-бадиий, маънавий-маърифий кўрсатувларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2017 йил 26 декабрдаги 01-17/894-сонли маълумотномаси). Натижада, кўрсатувларда кўтарилган адабий масалаларнинг илмий асоси таминланган;

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида қилинган маърузаларда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилди.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 18 та илмий иш чоп этилган, жумладан, 1 та илмий мақолалар тўплами, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари учун асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, улардан 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Тадқиқотнинг ҳажми 134 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Бадиий синтез назарий муаммо сифатида”** деб номланган биринчи бобида бадиий синтезнинг назарий асослари, тарихи, санъатлар тараққиётида турган ўрни ва вазифалари, шеърий ифодадаги аҳамияти тадқиқ қилинган.

Ҳар қандай санъат турининг бошқа турлардан фарқлаб турадиган хос хусусияти – спецификаси мавжуд. Бу жиҳат турнинг мустақиллигини ҳамда яшовчанлиги таъминловчи асосий омилдир. Санъат турлари ўз спецификаси доирасидагина чекланиб қолмай, балки бошқа турларнинг ифода усулларига ҳам мурожаат этади. Зеро, муайян санъат турининг имкониятлари оламнинг тўлақонли бадиий ифодаси учун етарли эмас. Санъатшунос А.Зис санъатлар тараққиёти икки турли тенденция асосида кечишини таъкидлайди. Уларнинг биринчиси "синтезга мойилик" бўлса, иккинчиси "ҳар бир алоҳида санъатнинг мустақиллигини сақлаб қолиш"га интилишида намоён бўлади[1]. Кўринадики, санъат тараққиётида бадиий синтезнинг ўрни беқиёс, санъатлар ривожи бевосита бадиий синтез жараёнлари билан узвий боғлиқ ҳолда кечади. Шундай экан, санъатни англашда бадиий синтезни ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Эстетика луғатида: "Санъатлар синтези – турларга хос бадиий-ифодавий хусусиятларни бир бутунликда бирлаштириб, инсонга оламни бадиий идрок этишда универсал имконият яратувчи ҳодиса"[2] дея таъриф берилган. Санъатларнинг синтетик муносабатга киришиши муайян санъат турини ўзга бир санъатнинг ифодавий имкониятлари билан бойитади, шу санъатнинг таъсир кўламини янада ортиради.

Ибтидоий даврларда санъат бир бутун – синкретик ҳолатда бўлган. Ўша даврларда санъатни турларга ажратувчи чегара бўлмаган. Диний маросимларда одамлар бир вақтнинг ўзида рақсга тушишган, қўшиқ куйлаб, мусиқа чалишган. Кейинча санъат дифференциацияланиб, турлар муайян специфик хусусиятлари билан яққол ажралиб чиқа бошлайди. Бу, айниқса, Европа Уйғониш даврига келиб яққол сезилади. Энди тасвирий санъатларга – ҳайкалтарошлик ва рассомликка ҳунар (техне) деб қараш, астрономияни эса санъат тури сифатида қабул қилиш ортда қолган, турлараро синтетизм вужудга кела бошлаган эди.

Шарқ мумтоз санъатлари тараққиётида ҳам синтез ҳодисаси муҳим омил ҳисобланган. Масалан, миниатюралар асосан китоб безаги сифатида яшаб, унинг ғоявий-бадиий мазмуни муайян адабий асар билан ҳамоҳанг белгиланган. Шу боис бадиий адабиётдаги образлар тизимини англамай туриб миниатюрадаги тасвирий ифодани тушуниш мумкин эмасди. Мумтоз мусиқа ҳам аруз вазни билан узвий боғлиқ эди.

Санъатлар синтези назарий муаммо сифатида XVIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб немис романтиклари томонидан илмий тадқиқ этила бошланди. Фридрих Шлегель, Рихард Вагнер, Фридрих Шиллер, Новалис каби мутафаккирлар ҳодисага илмий-назарий таъриф берганлар.

Санъатлар синтезида рангтасвир ва шеърият ўртасидаги ўзаро алоқалар алоҳида эътиборга молик. Бу икки санъатга эгиз тур сифатида қараш узоқ

[1] Благой Д.Д. (отв. ред.) Взаимодействие и синтез искусств. – Л.: Наука, 1978. – С.5
[2] Беляева А.А. и др. Эстетика: саловар. – М.: Политиздат, 1989. – С. 159.

ўтмишдан бошланган. Қадимги юнон шоири Симонид шеъриятга “гапирувчи рангтасвир”, рангтасвирга эса “соқов шеърият” дея таъриф берганди[1].

Жаҳон маданияти тарихининг турли даврларида “Оламни тўлақонли тасвирлашда пластик санъатлар етакчими ёки нопаластик санъатлар?” саволи теграсида баҳслар тез-тез қўзғалиб турган. Уйғониш даврига келиб бу баҳс жиддий тус олади. Леонардо да Винчи “Мусаввирнинг шоир, мусиқачи ва хайкалтарош билан баҳси” номли рисоласида рантасвирнинг ифодавий имконияти санъатнинг бошқа ҳар қандай тури, хусусан, шеъриятга нисбатан кенг эканини таъкидлаб, буни асослашга уринади. Унинг айтишича, поэзия “... жисмларнинг бирламчи ҳақиқатини қамраб олувчи рассом даражасидаги ҳақиқатга мувофиқликка эриша олмайди, чунки кўз ақлга қараганда камроқ янглишади”[2]. Леонардо – Европа Уйғонишининг даҳоси, унинг қарашлари ўз даври санъатига жиддий таъсир ўтказиб, бир неча аср давомида санъат майдонида пластик турлар, хусусан, рангтасвир санъатининг мавқеини бошқа турларга нисбатан юксалтиради ва мустаҳкамлайди. Фақат XVIII асрга келиб немис маърифатпарвари Лессинг “Лаокоон ёхуд рангтасвир ва шеърият чегаралари ҳақида” номли асари билан поэзия ҳимоясига жиддий киришади. Лессинг поэзияга янги давр – янги ижтимоийлик талабидаги санъат сифатида қарайди. У тасвирий санъатнинг ифода имкониятлари маърифатчилик ғояларини ифодалаш учун камлик қилади, деб ҳисоблайди. Лессинга кўра, тасвирий санъат ҳаракатни тўлақонли ифодалай олмайди: “изчил кетма-кетликда ривожланаётган воқеа унинг учун сюжет бўлолмайди”[3]. Поэзия эса воқеа-ҳодисаларни динамик ҳаракатда тасвирлай олгани учун ҳам янги давр санъатида нисбатан баланд мавқени эгаллашга ҳақли. Одамлар онги ва қалбига тасвирий санъатдан кўра сўз санъати намуналари билан кириб бориш қулай ва осонроқ. Лессиннинг бу қарашлари ижтимоий ҳаётда адабиётнинг аҳамияти орттириб, санъат майдонида поэзиянинг мевқеини кўтаради.

Шеърият ва рангтасвир синтезида бевосита шоир ҳамда мусаввирнинг шахсий алоқалари, ўзаро дўстона муносабатлари муайян аҳамият касб этади. Баъзи шоирларнинг шеърий ифодада тасвирийликка мойиллиги эса бевосита улардаги рассомона истеъдод билан ҳам боғлиқ. Маълумки, жаҳон санъатида Микеланжело, Ломоносов ва Лермонтов каби ижодкорлар ҳам шоир, ҳам мусаввир бўлишган. В.Афанасьев ёзади: “Лермонтов – шоир ноёб визуал хотира, ўткир кузатувчанлик, қабул қилишнинг оҳорлилиги каби рассомларга хос хислатларга эга эди. Шу боис лермонтовшуносликда доим шоирнинг дунёни мусаввирона кўра олгани эътиборга олинади”[4].

Рангтасвирнинг тасвирий-ифодавий ютуқларидан бошқа санъат турларида, хусусан, бадиий адабиётда ҳам кенг фойдаланилган ва фойдаланилмоқда. Яъни адабиётда ҳам объектни сўз воситасида худди мусаввир чизганидай тасвирлаш, фикр-туйғуларни кўпроқ кўримли (визуал) образлар билан ифодалашга интилиш кучли. Замонавий ўзбек адабиётида

[1] Пигарев К. Русская литература и изобразительное искусство. – М.: Наука, 1966. – С.3.
[2] Леонардо да Винчи. Избранные произведения. 2 том. Т. 2. – М.: Директ-Медиа, 2015. – С.59.
[3] Лессинг Г.Э. Лаокоон или о границах живописи и поэзии. – М.: Изогиз, 1933. – С.110.
[4] http://kolomna-biblio.narod.ru/TEXT/S/saa6.htm

объектни жонли, реалистик тасвирлаш тамойиллари кучайди. Поэзия пластик санъатлар эришган ютуқларни ўзлаштириб, лисоний тасвирда ҳис-туйғуни ифодалаш имкониятига эриша бошлайди. Бизнингча, адабиётда визуал образнинг поэтик имкониятлари ҳақида сўз бораркан, масаланинг айни шу жиҳатига – лисоний визуал образ ўзида тасвир ва ҳисни бир вақтда мужассам этишига эътибор қаратмоқ лозим.

Сўзнинг бадиий имконияти оҳанглар ёки бўёқларга нисбатан анча кенг ва серқирра. Лессинг айтгандай, сўз билан иш кўргани учун ҳам поэзия "ҳар қандай мазмунни ҳар қандай шаклда ишлаб чиқиш ва ифодалашга қодир"[1]. "Поэзия бир пайтнинг ўзида ҳам товуш, ҳам манзара, ҳам аниқ ва равшан айтилган тасаввур бўлмиш инсоннинг эркин сўзида ифодаланади"[2]. Албатта, рангтасвир даражасидаги тасвирийлик, ё мусиқа даражасидаги оҳанглар уйғунлигига сўз воситасида эришиб бўлмайди. Бироқ бадиий синтез туфайли адабиёт уларга максимал яқинлашишга ҳаракат қилаверади. Фақат, бадиий адабиётдаги визуал образлар "ноашёвий" ("невещественный") экани боис нарса ва ҳодисаларнинг ҳис қилиш мумкин бўлган ташқи кўринишини эмас, балки "идрок этиладиган бутунлигини" қайта яратади[3]. Яъни ёзувчи ёки шоир бевосита нигоҳларимизга эмас, тасаввур оламимизга таъсир ўтказади.

Бадиий-ғоявий жиҳатдан муайян шартлиликка асосланган мумтоз санъатларда объектив тасвир деярли йўқ эди. Аммо бу ўтмиш ижодкорининг ҳис-туйғулари объективлаштирилмаган дегани эмас. Мумтоз адабиётдаги визуал образларни хаттотлик асосидаги китобот шеърий санъати мисолида кўриш мумкин. Бундан ташқари, "Бадойиъу-с-санойиъ"да муқаттаъ, мувассал, рақто, эънот каби матннинг график-визуал томони билан боғлиқ қатор санъатларга таъриф берилади.[4] Бу каби шеърий санъатларга шоир маҳоратини намоён этувчи, асарга қўшимча гўзаллик ва жозиба берувчи бадиий воситалар сифатидагина қарашнинг ўзи камлик қилади. Чунки бу ерда масаланинг иккинчи жиҳати – ижодкорнинг кўрсатиб ифодалашга ва ўқувчининг кўриб завқланишга бўлган эҳтиёжи ҳам мавжуд.

Одатда, табиат тасвири лирик асарда метафорик, рамзий характерга эга бўлади. Масалан, Абдулла Ориповнинг "Баҳор кунларида кузнинг ҳавоси", Шавкат Раҳмоннинг "Тунги манзара" шеърларида табиат тасвири лирик қаҳрамон ҳис-кечинмаларини ифодаловчи тасвир сифатида намоён бўлади, тасвир ифоданинг узвий бир қисми бўлиб келади. Бунда манзара "соф ҳолда" эмас, балки лирик қаҳрамон кечинмаларига қориштириб – параллел тарзда тасвирланади. Хуршид Давроннинг "Осмонда булут йўқ", "Санъат" каби шеърларида эса бироз бошқачароқ. Уларни ўқир экансиз кўз олдингизда фақат манзаранинг ўзи гавдалана бошлайди. Агар А.Орипов ва Ш.Раҳмоннинг юқорида тилга олинган шеърларида тасвир бир пайтнинг ўзида лирик қаҳрамон ҳис-кечинмаларининг метафорик ифодасига бўйсундирилган бўлса, Х.Даврон шеърларида кўриб-кузатилган воқелик

[1] Лессинг Г.Э. Лаокоон или о границах живописи и поэзии. – М.: Изогиз, 1933. – С.128.
[2] Белинский В.Г. Собрание сочинений. 3 том. Т. 2. – М.: Гослитиздат, 1948. – С.6.
[3] Хализев В.Е. Теория литературы. – М.: Высшая школа, 2004. – С.107.
[4] Ҳусайний А. Бадойиъу-с-санойиъ. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1981. – Б.35.

тасвири борича берилади ва ўша манзарада тасвир объектидан олинган таассуротлар, улар қўзғаган ҳис-кечинмалар ифодаланади. Бошқача айтганда, Х.Давронда тасвир рамзга айланмай турибоқ эстетик қиммат касб этади, ўқувчида худди кўриб тургандек таассурот уйғотади ва бу таассурот тасвирий санъат асарини томоша қилганда туғиладиган кечинмалардан кам бўлмайди.

Лисоний визуал образнинг поэтик имкониятларини Ойбекнинг эълон қилинган шеърлари билан уларнинг қўлёзма вариантлари таққосланганда яққол кўриш мумкин. Шоир таҳрир жараёнида сўзнинг визуал-тасвирий хусусиятига жиддий эътибор қаратади. Унинг “Оғочликларда” номли шеъри “Мукаммал асарлар тўплами”да қуйидаги мисралар билан бошланади:

Баҳор – қуёшнинг олтин кулгуси
Яшил япроқларда яшнаб ўйнайди.[1]

Аслида, шеърнинг илк вариантида иккинчи мисрадаги “яшнаб” сўзи ўрнида “секин” сўзи қўлланган. Ойбек тасвирдаги ғализликни сезган ҳолда мисрани таҳрир қилади. Чунки баҳор – янгиланиш, яшариш фасли. Ўқувчи баҳорий еллар ҳилпиратиб турган ям-яшил япроқларда ёркин нурларнинг **секин** ҳаракатини асло тасаввур қилолмасди.

“**Янги ўзбек шеъриятида поэтик образнинг визуаллашуви**” номли иккинчи бобнинг илк фаслида “**Лирик мушоҳада объектининг воқеликка кўчиши визуаллашувнинг бош омили сифатида**” талқин қилинган. XX асрнинг 10-йилларига келиб жамиятнинг барча соҳаларида, жумладан, адабиёт ва санъатда жиддий ислоҳотлар зарурати етилди. Янгиланаётган адабиётнинг янгилик аломатларидан бири, эҳтимол, энг муҳими, унинг оммавийлашганида кўринади. Комуникатив восита сифатида ҳам бадиий адабиёт асрлар давомида яшаб келган ғояларни эмас, балки мавжуд ижтимоий вазият ҳақидаги информацияни ташишга йўналтирилди. Шеърият воқеликка, ижтимоийликка юзланди. Лирик мушоҳада объектининг санъаткор кўнглидан чиқиб, воқеликка кўчиб ўтиши эса муқаррар тарзда бадиий образнинг бир қадар жонли, реалистик унсурлар билан тўйинишига, визуаллашувига олиб келади. Албатта, бу жараён бошқа санъатларнинг ифодавий имкониятлари кўмагида, хусусан, шеърият ва тасвирий санъатнинг ўзаро бадиий синтези натижаси ўлароқ кечди.

Шеъриятнинг объективлашиш (яъни лирик мушоҳаданинг субъектдан объектга кўчиши) илдизлари, аввало, унинг ижтимоийлашганида кўринса, ижтимоийлашув шеъриятга шахсиятнинг кириб келиши билан боғлиқ. Лирик мушоҳада объекти сифатида абстракт, шартли бадиий-фалсафий унсурлар билан тўйинган қиёфа эмас, балки реал шахслар танлана бошланди. Бу эса шеъриятда инсон қиёфасининг ҳам ички, ҳам ташқи кўринишлари билан янгиланишига сабаб бўлди. Энди шоир реал инсон образини яратар экан, тасвирда ҳам объективликка эътибор қаратди, сўз воситасида инсонни ҳаётдагига монанд тасвирлашга ҳаракат қилди.

[1] Ойбек. Мукаммал асарлар тўплами. 19 том. – Т. 1. – Б. 133.

Аслида, адабиётдаги ижтимоийлашувнинг илк аломатлари XIX асрнинг иккинчи ярмидаёқ сезилади. Муқимий, Фурқат, Завқий, Аваз Ўтар, Комил Хоразмий каби қатор шоирлар ижодида реалистик тасвирга хос унсурларни учратиш мумкин. Хусусан, Фурқат Фузулийнинг машҳур:

Сурмадин кўзлар қаро, қўллар ҳинодин лола ранг,
Ғозадин юзларда тобу ўсмадин қошлар таранг[1].

байтига татаббу тарзида ёзган ғазалда бу яққол кўринади. Бир қарашда Фурқат ғазали анъанавий йўлда ёзилгандек кўринади. Бироқ унда, анъанавий ғазаллардан фарқли равишда, реал машуқа қиёфаси сўз билан чизилади. Деталларнинг реалистик экани шоир, салафларидан фарқли ўлароқ, таърифга сиғмайдиган гўзални эмас, балки айнан мавжуд инсонни тасвирлашни мақсад қилганини кўрсатади. Бу билан унинг қаҳрамони мумтоз адабиётга хос тасаввуфий, идеал қиёфадан кескин фарқланиб қолади. Ушбу ғазалда реалистик тасвир иллюзиясини ҳосил қилаётган иккита омил бор: 1) портрет деталларининг реалистик экани; 2) уларнинг изчил келтирилиши натижасида бутун тасаввурининг ҳосил бўлиши.

XX аср бошларида шеъриятнинг бошқа санъат турлари, хусусан, рангтасвир билан синтезлашуви қайсидир маънода унинг кейинги тақдирини белгилаб беради. Сабаби, ўтган аср аввалида шиддатли ривожлана бошлаган визуал санъатларнинг жадал суръатда оммалашгани шеъриятнинг илгариги нуфузи, мавқеига хавф сола бошлади. Мазкур ҳолатда шеърият ўзининг рақобатбардошлигини таъминлашга кучли зарурат сезади. Бу эса ундан ўзининг бадиий ифода имкониятларини кенгайтиришни талаб қилади. Шу тариқа янги давр шеърияти олдига, бир томондан, оммалашиб бораётган тасвирий санъат, фотография, театр ва кино санъатларига, иккинчи томондан, ўзига нисбатан визуаллик имконлари кенгроқ наср ҳамда драматургияга хос ифода шаклларини ўзлаштириш, шу орқали замонавий ўқувчининг эстетик эҳтиёжларини қондириш вазифаси қўйилади. Шу маънода XX аср бошларида санъаткор бадиий синтезга ҳар доимгидан ҳам кўпроқ эҳтиёж сеза бошлайди. Бу ўз-ўзидан, табиий кечаётган жараён бўлиб, санъатнинг ижтимоийлашуви, ижтимоий мақсадларга сафарбар қилингани реалистик образни тақозо этгани билан изоҳланади.

Ўзбек шеъриятини том маънода янги босқичга кўтарган Чўлпон ижоди бу борада катта аҳамиятга молик.

Кезар эдим Туркистоннинг тоғларини,
Турли мева билан тўлган боғларини,
Кенг саҳросин, чўлистонин, сайрон эдуб
Тинглар эдим турк халқининг оҳларини[2].

Мазкур парча Чўлпоннинг илк машқларидан бири – “Умид” шеъридан олиган бўлиб, 1914 йилда ёзилган. Унда Туркистоннинг ватанпарвар ўғлони кўнглидан кечган изтироблар муҳрланган. Унда ҳали ёрқин тасвирийликдан кўра тавсифнинг устувор экани сезилади. Яъни шеърда манзара мусаввир

[1] Фурқат. Танланган асарлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1975. – Б. 47.
[2] Чўлпон. Асарлар. I жилд. – Т.: Академнашр, 2013. – Б.15.

каби деталлаштириб тасвирланган эмас, унда юртининг тоғлари, мевалари, саҳросию чўлларини санаб ўтиш билан чекланилган. Бу ўринда воқеликнинг конкрет замон ва маконда кечаётгани кўпроқ аҳамият касб этади. Ўқувчи хаёлида ўз кечинмалари билан сарсон юрган абстракт макондаги лирик қаҳрамон эмас, балки муайян замон ва маконда турган реал инсон гавдаланади. Худди шу нарса – аниқ замон ва маконга мансуб шахс образини яратишга интилиш янгиланаётган ўзбек шериятини мумтоз шеъриятдан фарқловчи асосий хусусият сифатида кўрсатилиши мумкин.

Чўлпон шеъриятида ижтимоийликдан ҳоли асарлар жуда кам учрайди. У ҳар қандай тасвир ортида муайян ижтимоий-сиёсий вазиятни, кайфиятни рамзлаштиришга уринади. Хусусан, Чўлпоннинг "Яна қор" номли шеъри ҳам бир қарашда табиат манзарасини акс эттирса-да, катта ижтимоий дардни қамраб олган:

Яна қор! Оқ кафан ўралди яна,
Яна кўк қуйди ерга парларини.
Қарғанинг тиллари бурилди яна,
Яна қиш чорлади навкарларини.

Чўлпон юксак санъаткорлик билан муайян ижтимоий кайфиятни қиш манзараси билан пардалайди. Юқоридаги парчада қишнинг яхлит манзараси тасвирини кўриш мумкин. Бу худди мусаввир чизган картинага ўхшаб кетади. Шоир ўз халқининг қисматини лирикага хос услубда бевосита айтиб (изҳор этиб) қўймайди, балки рангтасвирга хос йўсинда тасвир ортига яширади. Шеърда оппоқ қорнинг кафанга, булутларнинг қоп-қора девга қиёсланиши манзарага салбий бўёқларни тортса, ортга қайтган қарғалар ва уйқудаги ёз образлари шоир назарда тутган ижтимоий ҳолатни, шу билан боғлиқ кафиятни рамзий ифодалайди. Чўлпоннинг худди мусаввир каби ўз ҳис-туйғуларини муайян тасвирий композицияда ифода этиши, албатта, шеъриятнинг рангтасвир билан синтезлашуви маҳсулидир.

XX асрнинг 30-йилларига келиб замонавий ўзбек шеъриятининг бадийяти янада такомиллашди. Агар янги юз йиллик бошланишида адабиёт ижтимоийлашиб, шеъриятда кўпроқ шунга мос мавзуларнинг кўтарилиши кузатилган бўлса, 30-йилларда шу ижтимоийликнинг бир бўлаги – шахс қалбида кечган туйғуларнинг бадиий ифодасига эътибор кучая бошлади. Шоир энди мавжуд ижтимоий воқеликни эмас, балки воқелик уйғотган таассуроту кечинмаларни қаламга ола бошлади. Ойбек ижоди сўз билан бадиий тасвирлашда – шеърият ва рантасвир синтезлашувида олдинга ташланган дадил одим бўлди.

Бобнинг иккинчи фасли "**60-80-йиллар шеъриятида визуал образлар: ўткирлашган эстетик нигоҳ ва ижодий тажрибалар**" деб номланади. Сабаби, 60-йилларга келиб шеърият ва рангтасвир ўртасидаги алоқалар янада мустаҳкамланди, теранлашди. Визуал тасвир лириканинг муҳим ифодавий-бадиий қуролига айланади. Тасвир лирик қаҳрамон руҳиятига кириб боришда, шоирнинг бадиий-фалсафий мушоҳадаларини англашда, шеърнинг композицион бутунлигини таминлашда беқиёс ўрин эгаллай бошлади.

60-йилларга келиб юртимизда шеърият ва рангтасвир ўртасидаги синтезнинг кучайиши, биринчидан, визуал санъатларнинг кескин ривож топиши билан боғлиқ бўлса, иккинчидан, “Хрушчёв баҳори” берган бироз эркинликдан ижодкор унумли фойдаланди, бадиийлик масалаларига кўпроқ, жиддийроқ эътибор қаратадиган бўлди.

А.Ориповга келиб шеъриятда рангтасвирга хос тасвирий услубларни қўллаш янада профессионаллашади. Энди визуал тасвир шоирнинг бадиий-фалсафий қарашларини ифодаловчи муҳим воситага айланади. Унинг 1964 йилда ёзилган “Булут тошди” мисраси билан бошланувчи шеърида кучли ёмғир (балки бўрон)га ҳозирланаётган табиат манзараси “чизилган”. Шоир ҳатто ерга сочилган хазонларни учира олмаётган кучсиз елни, ҳаво дим бўлгани сабаб новдалари қотиб қолган (қари) толларни, “ниманидир” кутаётган, ҳозирча, беозор кўринган булутларни маҳорат билан тасвирлайди. Шу билан бирга, у манзарага катта ижтимоий-фалсафий маъно юклайди. А.Орипов “Баҳор” номли шеърида лирик тасвирнинг бошқа, шеъриятимиз учун янги бир имкониятини очиб беради. Шеърда тасвир нафақат шоир ҳис-туйғулари ифодасига, балки асар композицион бутунлигини таъминлашга ҳам хизмат қилади. Шоир катта ҳажмли шеърдаги турли мавзуларни – лирик руҳ-кайфият товланишларини концептуал жиҳатдан баҳор мавзуси атрофида, шаклий жиҳатдан эса баҳорга оид визуал образлар воситасида бирлаштиради. Шеърдаги ҳар бир фикр, ҳар бир мавзу шу манзара тасвиридан униб чиқади.

60-йиллар бадиий тафаккурининг ўзига хослигини белгилашда яна бир шоир Рауф Парфининг ўрни беқиёс эди. Ишда унинг шеъриятимизга янгича типдаги, ҳали ўзбек шеърхони кузатмаган образларни олиб киргани, хусусан, улардаги ўзига хос тасвирийлик “Кундуз ўйга чўмар...”, “Ван Гог”, “Верлен”, “Омон Азиз. Кандакорлар” каби шеърлари мисолида кўрсатилди. Шоир ижодидаги бадиий синтезнинг ўзига хослиги шунда эдики, у лисоний визуал тасвирга кучли психологизмни олиб кирди.

70-йилларига келиб шеър техникаси янада ривожланди, ундаги лисоний визуал тасвирлар ҳаққонийлашди. Чунки энди шеърият майдонига Усмон Азим, Хуршид Даврон, Шавкат Раҳмон каби рассомчиликдан, ундаги тасвир принципларидан, ранглар илмидан бохабар ижодкорлар авлоди кириб кела бошлади. Бу давр шеъриятининг яна бир муҳим жиҳати унда экспериментал ижоднинг кучайиши бўлди. Шоир турли ижодий экспериментлар билан ўқувчига кучлироқ таъсир этиш йўлларини ахтарди. Бу эса шеъриятни рассомчиликка яна ҳам яқинлаштиради.

70-80-йилларда, умуман, замонавий ўзбек шеъриятидаги лисоний визуал тасвирда шоир Хуршид Даврон ижодининг ўрни беқиёс. Унинг шеърлари рангтасвир санъатига бошқалардан кўра кўпроқ яқинлашади.

Х.Давроннинг лирикада кўпроқ тасвирийликка интилиши тасодиф эмас. У ёшлигида тасвирий санъат билан жиддий шуғулланган, А.Мирзаев, И.Ҳайдаров ва Ш.Абдурашидов каби рассомлар билан яқин дўст, маслакдош бўлган. Бу эса шоир сифатидаги ижодий фаолиятида ҳам тасвирий санъат

билан яқинликнинг ҳис этиб турилишига замин бўлади. Шу сабабдан унинг шеърларида мусаввирона нигоҳни пайқаш қийин эмас:

Дала...
Ҳорғин бўз туман
Сузиб боради
Жарликларнинг ичида
Қалқиб туради[1]

Х.Даврон ижодида фақат рангтасвирга хос хусусиятларнинг акс этишини кўрибгина қолмай, бу санъат тарихи, унинг намояндалари, тасвирий санъат моҳиятига бағишлаб ёзилган шеърларни ҳам жуда кўп учратамиз. Бундай шеърлар сирасига "Беҳзод", "Мусаввир бўлмоқ эрсанг", "Мусаввир усатахонаси", "Мусаввир", "Абулҳай сўзи", "Ван Гог" кабиларни киритиш мумкин. Айнан шу шеърлар шоирнинг бу санъат борасида хақиқий билимдон эканлигини кўрсатади. Хусусан, шоир рангни етук мусаввирлардай ҳис этади, унинг асл моҳиятини англай олади.

"**Рангтасвирнинг модерн оқимлари ва модерн шеърият**" номли учинчи бобнинг биринчи фаслида "**Ўзбек шеъриятида модерн ифода воситаларининг қўлланиши ва бунда бадиий синтезнинг ўрни**" тақдқиқ этилади. Аввал модернизмнинг табиати, унинг адабиётимизга кириб келиш омиллари ҳақида мухтасар тўхтаб ўтилди. Хусусан, модернистик ифодада бадиий синтезнинг аҳамияти бошқа методларга нисбатан кучлироқ саналиши таъкидланди. Зеро, модернизмнинг фалсафий асосида санъатларга бир бутун ҳодиса сифатида қараш ғояси туради.[2]

Ишда 80-йилларга келиб рангтасвирнинг модернизмга хос унсурлари шеъриятимизда кўзга ташлана бошлангани, хусусан, Рауф Парфи "чизган" айрим манзаралар ўқувчи кўниккан тасвирлардан жиддий фарқ қилиши кўрсатилди. Замонавий ўзбек шеъриятидаги модернистик тамойиллари ҳақида яхлит тасаввур берувчи "Ўзбек модерн шеърияти" тўпламидан 80-йилларда ижодий фаолияти бошланган шоирларнинг шеърлари кенг ўрин олгани ҳам шу фикрни далиллайди[3]. Айни шу тўпламдан жой олган Абдували Қутбиддин, Фахриёр, Баҳром Рўзимуҳаммад шеърларидаги тасвирнинг ўзига хослиги, унинг модернистик рангтасвир билан уйғунлиги яққол кўзга ташланади.

Ўзбек модерн шеъриятининг рангтасвир билан синтезида Баҳром Рўзимуҳаммад ижоди алоҳида эътиборга молик. Шоирга "ўтиш даври" уйғотган кайфиятни ифодалашда модернистик услуб жуда қўл келади. Шоир шеъриятидаги тасвирлар модернизм оқимларининг манифестларига жуда мос келади. У ўзининг "Чўлпон – тонг юлдузи демак" номли китобида санъатларнинг ўзаро якдилликда талқин қилиниши, ҳис этилиши, модерн шеъриятни тушунишда асосий калит эканини таъкидлайди[4]. Англашиладики,

[1] Даврон Х. Баҳордан бир кун олдин. – Т.: Шарқ, 1997. – Б.3.
[2] Мурина Е. Б. Проблемы синтеза пространственных искусств. – М.: Искусство, 1982. – С. 9.
[3] Ўзбек модерн шеърияти. – Т.: Янги аср авлоди, 2003.– Б.3-4.
[4] Рўзимуҳаммад Б. Чўлпон – тонг юлдузи демак. – Т.: Ўқитувчи, 1997. – Б. 69.

